

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Нурота тумани ХТБ рахбари



Б.Бобоназаров

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Y -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Нурота тумани Халқ таълими бўлимига қарашли Баркамол авлод болалар марказига жихозлар олиб бериш

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **47 000 000 (Кирк етти миллион) сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Нурота тумани Халқ таълими бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят Нурота тумани М.Рахимов кучаси
Эл.адрес: markaz_hisobxona@mail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Нурота тумани Халқ таълими бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўгрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида тургандар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишили иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон килинган муддатдан яна 5- календар қунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишилар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишилар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишилар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтишилар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтишиларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишили тушунтишиларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади